



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 2-iyul, shanba,
76 (23.643)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Фитна, гийбат,
товламачилик, ўзини
оқлаш ёлгоннинг
фарзандларидир. Шу
боис Пайгамбаримиз
“Ёлгончилар
менга уммат бўла
олмайди”, деганлар

1913-yil aprel oyidan chiqqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

9 июль Курбон хайити байрами этиб белгиланди

“Курбон хайитини нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2022 йилда Курбон хайитининг биринчи кунин 9 июль – шанбага тўғри келиши муносабати билан **Курбон хайити байрами** сифатида нишонланади.

– Президент фармонида мувофиқ, 2022 йилда кўшимча дам олиш кунлари белгиланган.

– Шунга кўра, Курбон хайити арафасида иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, **4 кун дам олинади**. Бунда:

• **9 июль (шанба)** – Курбон хайити байрами;

• **10 июль (якшанба)** – дам олиш кунин;

• **11 июль (душанба)** – барча ходимлар учун кўшимча дам олиш кунин;

• **12 июль (сешанба)** – 6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар учун кўшимча дам олиш кунин, 5 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар учун 16 июль (шанба) дан кўчирилган дам олиш кунин.

Самарқанд вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ олтмиш еттинчи сессиясини чақириш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ олтмиш еттинчи сессиясини **2022 йил 8 июль кунин соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

– вилоят ҳокими ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи О.Мирзабековнинг вилоятга инвестициялар жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ҳисоботи;

– вилоятдаги маданий мерос объектлари ва маданий бойликларни аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларининг бут сақланиши ҳолати юзасидан вилоят маданий мерос бошқармаси бошлиғи Б.Шайматовнинг ҳисоботи;

– вилоятда “Аёллар дафтари”даги аёлларнинг бандлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар тўғрисида вилоят бандлик бош бошқармаси Н.Сулаймановнинг ҳисоботи;

– “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ раҳбари К.Юсуповнинг вилоятда аҳолини ичимлик ва оқова сув билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда келгусидаги режалар тўғрисидаги ҳисоботи;

– вилоятнинг шаҳар ва туманларида 2023 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига киритиладиган қишлоқ ҳамда маҳаллалар манзилли рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида;

– вилоятда 2023 йилда қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб бориладиган объектларнинг мақсадли параметрларини тасдиқлаш тўғрисида;

– вилоятда кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш ишларини амалга оширувчи пудратчи ва лойиҳа ташкилотлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.

Вилоят ҳокими **Э.ТУРДИМОВ**

2022 йил 1 июль

ОҚСОҚОЛЛАР ЯНГИЧА ИШЛАШНИ ЎРГАНЯПТИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарори билан тасдиқланган режага мувофиқ, ўзини ўзи бошқариш органлари раисларининг янгича тизим шароитида янгича ишлашни ташкиллаштириш юзасидан ўқув-семинарлари иш бошлади.

Бир ҳафталик семинар Самарқанд шаҳридаги маҳалла раислари учун Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетиде ўтказилмоқда. Дарвоқе, дорилфунуннинг 25 нафар профессор-ўқитувчиси Президент ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида таҳсил олиб, тренер-модератор сифатида ўқувни ташкил этипти.

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маҳалла раиси ислохотчи бўлиши керак, – дейди вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроиил Жабборов. – Бунинг учун албатта, муайян билим ва амалий кўникмалар зарур бўлади. Табиийки, бу барча янги сайланган маҳалла раисларида етарли, деб бўлмайди. Шу боис семинар ўқув дастурида ўзини ўзи бошқариш органлари оқсоқоллари билиши лозим бўлган 18 та асосий мавзулар тайёрланган. Машғулотларда тингловчиларга биринчи нав-



батда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясидаги мақсадларни амалга оширишда маҳалла раисларининг ўрни ва роли тушунтирилади. Шунингдек, интерфаол усулда, семинар-тренинг, амалий машғулот ва давра суҳбатлари тарзида ташкил қилинадиган 36 соатга мўлжалланган ўқув-семинарда маҳалла раисларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бешлик – маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспекторининг ҳамжиҳатлиқда фаолият юритишига оид ташкилий ва амалий масалалар батафсил ёритилади.

Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий имкониятларини ошириш йўллари, муҳтож аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш қандай амалга оширилиши механизми ўргатилади. Маҳалла раисларининг кекса ва фахрийларнинг фаолигини ошириш, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари, “Яшил макон” умумий лойиҳасини амалиётга тадбиқ этиш ва инфратузилмани ривожлантиришдаги вазифалари бўйича маълумотлар берилади.

Семинарлар давомида аҳоли муаммоларини ҳал этишда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида маҳалла раисларининг вилоят сектор раҳбарлари билан давра суҳбатлари ўтказилади. Якунда эса маҳалла раисларининг 2022 йилга мўлжалланган манзилли Иш режалари тақдими ва ўтилган мавзулар бўйича тест синуви ўтказилади.

ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

Вилоятимизда “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ўтказилган фестиваллар доирасида 1126 та маҳаллада 10956 та тадбир ташкил этилди. Уларда 1 миллион 900 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этишди.



Май ва июнь ойлари мамлакатимизда ёшлар ойлиги доирасида турли танлов ва мусобақалар, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Фестиваль вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилди. Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ахборот хизмати ходими, фаол тенгдошларим сафида деярли барча фестивалларда иштирок этдим. Уларда қатнашган, кўнгилларида эртанги кунга бўлган ишонч туйғуси билан кўзлари ёниб турган ёшларни кўриб, бу йигит-қизларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг китобхонлиқка, илмга, спортга, меҳнатга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган тадбирларнинг гувоҳи бўлиб, шу юрт фарзанди эканлигимдан фخرландим.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДА

Жорий йилнинг 27-30 июнь кунлари Тошкентда Марказий Осиё давлатлари Омбудсманларининг I форуми бўлиб ўтди. Минтақа давлатлари вакиллари ҳамда “Халқаро қаноқхоналар ислохоти” ташкилотининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси Минтақавий дастури менежери Самарқандга ташриф буюрди.

Форумнинг хорижий иштирокчилари делегацияси вилоятда Омбудсманнинг минтақавий вакили фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, Президент Халқ қабулхонаси ҳамда Бизнес-омбудсман томонидан амалга оширилаётган ишлар билан ҳам қизиқди.



(Давоми 2-саҳифада) >>>

Хуқуқий пойдевор

Шу кунларда мамлакатимизда Конституцияни ислоҳ этиш жараёни қизғин паллага кирди. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ўтказилмоқда. Бу борада парламент қуйи палатасига вилотимиздан сайланган депутатлар жойларда тарғиб-бот-тушунтириш тадбирлари ўтказмоқда.

Асосий қонундаги ўзгаришлар

Депутатлар жамоатчилиқка бу ҳақда атрофлича тушунтириш бермоқда

Самарқанддаги Марказий ҳарбий округда ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Салихов Конституцияга киритилаётган қўшимча ва ўзгаришларга изоҳ берар экан, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш мақсадида бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилмасдан туриб эришиб бўлмаслигини қайд этди.

– Шу сабабли чекловлар, яъни инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши фақат қонун билан ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш учун зарур бўлган доирада бўлиши мумкин. Мазкур норманинг Конституциямизда акс эттирилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга, – деди у.

Асосий қонунимизнинг 20-моддасига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган қоидаларга ҳамоҳанг. Унга кўра, “Ҳар бир инсоннинг жамият олдида мажбуриятлари бор. Чунки айнан шу жамиятда унинг шахси эркин ва ҳар томонлама камол топиши мумкин”. Шу сабабли маърузачи лойиҳада “Ҳар бир

инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқишида шундай чеклашларга мубтало бўлиши мумкинки, булар қонун томонидан белгилаб қўйилми ҳамда бундан мудоао – бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари зарур даражада тан олинмиш ва ҳурмат қилиниши ҳамда ахлоқ-одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб ҳамда демократик жамиятдаги бугунги фаровонликнинг адолатли талаблари қонун билан бўлсин”, деб белгиланганлигини қайд этди.

– Паст Даргом туманида тақдир этилаётган қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти бўйича жамоатчиликка тушунтиришлар бериш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, тақдирлар олиш мақсадида қорхона-ташкilotлар, ўзини ўзи бошқариш органларида қатор давра суҳбати ташкил этилди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Музаффа Абдиева. – Мулоқотларда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юрдошларимиз конституциявий ислохотларга бефарқ эмас. Улар киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар аввало, “Инсон қадрини ҳурмат қилиш” индекси юритилади.

1 ИЮЛДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

* **Енгил автомобилларнинг фақат орқа ён ойналарини қорайтириш бепул бўлди.**

Автомобиль ойнаси тусини ўзгариришга рухсатномани tu.gov.uz портали орқали навбатларсиз олиш имконияти яратилди. Агар рухсатнома портал орқали расмийлаштирилса, **10 фоизлик чегирма берилди (2 миллион 160 минг сўм).**

* Жорий йил 9-синф битирувчиларининг ҳужжатлари kasb.edu.uz электрон платформаси орқали 1 июлдан 20 июль (шу кунни ҳам) кунига қадар онлайн қабул қилинади.

* **Пенсия тайинлашни расмийлаштириш учун фақат паспорт ёки ID-карта етарли бўлади.**

* **Божхона божлари бўйича имтиёзлар фақатгина қонунлар билан берилади.**

* Айрим шифокорларга уй олиш харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилди.

* **Бўш турган биноларга нисбатан юқори солиқ ставкасини белгилаш тартиби бекор қилинди.**

* **Вирусли гепатитга қарши самарали чоралар кўрилади.**

* Касаначилиқни ташкил этган тадбиркорларга бир марталик субсидия берилади.

* **“Тиббиёт бригадалари”га қўшимча 3600 та штат берилади.**

* **Парранда экспорти учун субсидия оширилади.**

* Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар комплекс ёндашув асосида кўрсатилади.

* **Спинал мушак атрофияси клиник диагнозига эга оилаларнинг Ягона миллий регистри юритилади.**

* “Оилавий шифокор” йўналиши бўйича мустақил фаолиятни амалга оширишга рухсат берилади.

* **Қорақалпоғистоннинг айрим туманларига бориб ишлаган шифокорларнинг маошига 100 ва 200 фоизлик устама тўланади.**

* Барча туман ва шаҳарларда “Хавфсиз йўл” индекси юритилади.

* Давлат музейлари 22:00 гача ишлаши ва пуллик хизмат кўрсатиши мумкин.

ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Этиборлиси, ойлик якунида, яъни 30 июнь - Ёшлар куни муносабати билан Тошкент шаҳридаги "Янги Ўзбекистон" боғида ёшлар форуми доирасида тантанали байрам тadbир ташкил этилди. Унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, ёшларни қутлади ва нутқ сўзлади.

Видеоалоқа тизими орқали ўтказилган тadbирда вилоят ҳокими Э.Турдимов бошчилигида Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида ўрнатилган студия орқали 3,5 минг, шунингдек, барча шаҳар ва туманларимиздан 16,5 минг, жами 20 минг нафар ёш тadbирда онлайн қатнашди.

Самарқандлик ёшлар орасида мен ҳам тadbирни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб бордим. Давлатимиз раҳбари бу йил Президент мактабларини 424 нафар битирувчи тамомлаб, барчаси олий таълим муассасаларига, уларнинг 102 нафари хориждаги нуфузли олий ўқув юртиларига ўқишга қабул қилинганини айтди. Шунингдек, кейинги икки йилда 400 нафар ёш "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали чет эллардаги энг нуфузли олийгоҳларда ўқишга юборилганини таъкидлаб, 3 нафарини мисол келтирди. Улар орасида



Чикаго университетига ўқишга қабул қилинган самарқандлик Нилуфархон Рўзиёва ҳам тилга олинганида тadbирда иштирок этаётган вилоятимиз ёшлари бирдек хурсанд бўлиб, олқишладди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқларида муҳим янгиликлардан бири - мусиқа санъатига қизиқиши банд бўлган

ёшларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги ва бахшичилик йўналишларига янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилишини эшитиб, вилоятимизда Исломо шoir, Фозил Йўлдош, Эргаш Жуманбулбул ўғли каби бахши боболаримизнинг издошлари сафи кенгайишига имкониятлар эшиги очилаётганига амин бўлдим.

Бир гуруҳ ёшларга "Келажак бунёдкори" медали ҳамда "Мард ўғлон" давлат мукофоти тантанали топширилди. Вилоятимиз вакиллари Азиз Самадов "Мард ўғлон" давлат мукофотини, Нилуфар Омонова эса "Келажак бунёдкори" медалини Президентимиз кўлларидан қабул қилди.

Тadbир "Ёшлар овози" танлови голиблари ҳамда таниқли эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури билан давом этди.

Бир сўз билан айтганда, ўтказилган тadbирлар юртимиз ёшларини чинакамига бирлаштирди, уларга шижоат бағишлаб, қалбига Ватанга муҳаббат ва келажакка ишонч туйғуларини сингирди.

Чарос САИДОВА.

► Инсон қадрини учун

Конституциявий ислохотлар миллий ўзликни янада теран англашимизга хизмат қилиши билан биз, кекса авлод вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Масалан, Бош қомусимизга "Инсон қадрини учун" ғояси асосида миллий ўзликни бебаҳо қадриятларимиз чуқур сингирилиб, инсон манфаатлари улуғланмоқда. Зотан, миллий ўзликка асосланган Конституциягина адолат мезонига айланади.

Миллий ўзликка асосланган Конституция адолат мезонига айланади

Қонун лойиҳасида 1-модда "Ўзбекистон - суверен республика, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат. Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони англатади", дея ўзгартирилиши тақлифи берилди. Яъни, "... ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий" сўзлари қўшилди.

Ҳуқуқ ва эркинликларимизни кафолатлайдиган муҳим бу ҳужжатга "ижтимоий давлат" тушунчасини киритилиши ҳар бир фуқаро учун гaмхўрлик кўрсатадиган мамлакат бўлишидан далолат. Одамлар учун муносиб яшаш шароити яратиб берилади. Барча муаммоларга жамият муаммоси сифатида ёндашилади. Лунда қилиб айтганда, ёшлар ҳам, аёллар ва кексалар ҳам этибордан четда қолмайди.

Эштурди РАҲИМОВ,
меҳнат фахрийси, Нуробод тумани.

ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНДА



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қайд этиш лозимки, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг вилоят бўйича минтақавий вакилига жорий йилнинг 1-чорагида 20 га яқин мурожаат келиб тушган. Хусусан, вилоятимиздан ташқари, Андижон, Наманган ва Қашқадарё, шу билан бирга, Қирғизистон

Республикаси фуқароси томонидан йўлланган мурожаатларнинг 4 таси маҳкумларни бошқа манзил-колонияга кўчириш, яна шунчаси ер ва бино иншоотлар ажратиб юзасидан бўлган. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларидан норозилиги ҳақида 5 та, суд ва ҳуқуқ масалаларида 7 та мурожаат ўрғанилган. Ўрганиш натижалари бўйича тегишли таъсир ҳамда бошқа қонуний чоралар кўрилган.

Вакил томонидан ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий жазо ўтаётган ва озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан қатор тadbирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоятдаги 38 ва 37-сонли манзил-колониялар ҳамда 7-сонли тергов хибсонасида мониторинг ўрганишлар ўтказилган. Ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий жазо ўтаётган, озодликдан маҳрум қилинган шахслар

билан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан яқка тартибдаги суҳбатлар ўрғанилган.

Танишуш давомида хорижлик меҳмонлар Ўзбекистон таърибаси билан танишиш фойдали бўлганини таъкидлашди.

- Давлат раҳбарининг ташаббуси ва тегишли фармон билан Омбудсманнинг ҳудудлардаги минтақавий вакиллари доимий асосда ишлайдиган бўлгани ва уларнинг асосий вазифалари белгиланганини эътироф этиш мумкин, - дейди Қозғистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Эльвира Азимова. - Рост, бизда ҳали бундай амалиёт йўлга қўйилмаган.

Самарқандда вакил фаолияти билан танишиш давомида фуқаро шахсий масаласи ёки тadbиркорлик фаолияти юзасидан мурожаат қилишда овора бўлмаслиги таъминлагани яна бир этиборли ҳолат эканига гувоҳ бўлдим.

Меҳмонлар кунининг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрининг тарихий ҳамда диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, вилоят ҳокимлигининг расмий қабулида бўлди.

Диёр ХУСАНОВ,
Омбудсманнинг вилоятдаги минтақавий вакили.

Янги йўналиш туризм масканларига элтади

Самарқанд шаҳрида янги - 1-"Регистон майдони - Бозоров кўчаси" йўналишида микроавтобуслар ҳаракати йўл қўйилди. Аҳамиятлиси, ушбу йўналиш шаҳардаги туризм масканларини гастрономик кўчалар билан боғлайди.

Вилоят транспорт бошқармаси ахборот хизмати берган хабарга кўра, мазкур туризм йўналиши Регистон майдонидан бошланиб, Университет хиёбони орқали Орзу Маҳмудов, Ўзбекистон, Абдурахмон Жомий, Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Огаҳий номли кўчалардан ўтиб, Бозоров кўчасида якунланади.



Ушбу йўналишда йўловчиларга "Лазиз қурилиш нури воҳаси" МЧЖ томонидан олиб келинган, барча қўлайликларга эга 10 та "Чанган" Миндибус Г60 русумли микроавтобуслар хизмат кўрсатмоқда. Йўлқура нархи 3000 сўмни ташкил этади.

Йил якунигача нечта кўча асфальт қилинади?

Матбуот уйида вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акбар Мирзаев иштирокида анжуман бўлиб ўтди. Унда Самарқанд шаҳрининг йўл инфратузилмасини яхшилаш орқали тирбандликларнинг олдини олиш, ички хўжалик йўллари тазмирланган чикариб, асфальт ва бетон билан қоплаш борасида маълумот берилди.

Жорий йилда вилоятда режадаги 95,4 километр автомобиль йўллари йўлнинг 58,4 километрида тазмирлаш ишлари якунланди. Жумладан, 19 километр умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари, Самарқанд шаҳрининг 40 километрлик марказий кўчаларида тазмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 1 тадан кўприк, янги йўл ўтказиш, тоннель қурилди. Битта йўл ўтказиш кўприги қайта тазмирланди.

Бугунгача 37 километр масофада 4256 донна туғни ёритиш чироқлари, 176,8 километр саломатлик йўлақлари, сув қочириб тизимлари ҳамда асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда. Магистраль йўл ёқаларига 104 мингдан ортик манзарали дарак ва бутта кўчатлари экилди.

Утган йили вилоятдаги қарийб 933 километр ички йўллар тазмирланган бўлса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурга асосан, жорий йилда 1370 километр йўл тазмирланиб, аҳолига қўлай шароитлар яратиш мақсадида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланади.

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг тегишли қарорларига асосан, яна 156 километр кўча асфальтланиб, 75 километр йўлга цементобетон қоплама ётқизилади. Шунингдек, 108 километр йўлга тош-шағал тўқилади. Мазкур ишлар учун 186,9 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Аини вақтда мазкур қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари олиб берилаётган.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қарийб минг километр ички йўлларга ҳашар йўли билан шағал ётқизиш натижасида 98 та маҳалла ҳудудида яшовчи 92 минг нафардан зиёд аҳолига қўлай шарт-шароит яратилди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

► Бир шикоят изидан

Тахририятимизга Самарқанд шаҳри Кафтархона маҳалласида истиқомат қилган фуқаро Г.Шариповдан шикоят хати келди. Унда ёзилишича, фуқаро ва унинг 12 нафар оила аъзоси маҳалла фаолларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли уйсиз қолган. Икки йилдан буён давом этаётган мазкур уй-жой низошига эса маҳалла раисининг "справка"си сабаб бўлган. Мурожаатчи билан боғланиб, вазиятни ойдинлаштиришга ҳаракат қилдик.

"У БУ ЕРДА ЯШАМАЙДИ"

МАНА ШУНДАЙ ХАТ БИЛАН БИР АЁЛ ЎЗ УЙИДАН ҲАЙДАЛДИ

Г.Шарипованин маълум қилишича, у 1979 йилда Кафтархона маҳалласининг Уйчи кўчасидаги 15-уйга келин бўлиб тушган. Бир неча йил олдин эри Т.Б. билан қонуний ажрашган бўлса-да, мана шу жоғролар бошлангунига қадар шу уйда яшаб келган. Бироқ ажримдан сўнг собиқ турмуш ўртоғи уни уйга бўлган ҳуқуқдан тўлиқ маҳрум қилиш ҳаракатига тушган. Аини мақсадда у маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, Г.Шариповани "прописка"дан чиқаришни сўраган.

Масаланин "қизик" жиҳати ана шунда бошланади. Яъни, маҳалла томонидан талаб қилинган жойларга 2020-2021 йилларда олтига, олти хил мазмундаги маълумотнома берилган. Жумладан, 2020 йилнинг 22 январидидаги далолатномада маҳалла фаоллари мазкур уйда 6-21 январь кунлари олиб борган назорат "тадбир"ига асосланиб, Г.Шариповани бу уйда яшамайди, деб қайд этишган. Асос сифатида ўша кунни улар борганида фуқаронинг уйда бўлмаганини келтирилган. На фуқаро Г.Шарипованин ўзи билан боғланган ва на кўнни-қўшнилар билан гаплашиб, ҳолатга аниқлик киритилган. Маҳалла фаолларининг бу тартибда далолатнома тузишига нима сабаб бўлгани эса ҳалигача очиқ масала.

Афсуски, масаланин бу жиҳати ўша вақтда ҳеч кимни қизиқтирмаган. Оқибатда "хом" ҳужжат билан судга мурожаат қилган Т.Б. собиқ турмуш ўртоғининг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга эришган ва фуқаронинг бой бермай, шу йилнинг ўзида унинг бир қисмини сотиб юбориб, қолган қисмининг ярмини (мурожаатчининг сўзларига қараганда) иккинчи оиласининг вакили бўлган ўғлига мерос қилиб қолдирган.

Ҳужжатларни ўрганган экансиз, ҳақиқатдан ҳам маҳалла фаоллари томонидан тузилган кейинги далолатномада биринчисини инкор этишини кўрасиз. Хусусан, 2021 йилнинг 12 августда тузилган далолатномада Г.Шарипова "гоҳо ўзига тегишли бошқа уйда, гоҳо ушбу хонадонда яшаб келмоқда", кейингиларида "...ҳеч қандай рўйхатда турмасдан яшаб келмоқда", дея қайд этилган. Шу вақтгача "ашамаган" инсон (маҳалланин биринчи далолатномасида шундай кўрсатилган) энди, кейинги хатларда "яшай бошлаган".

Биз мурожаатчидан номида яна уй-жой бор-йўқлигини суриштирдик. У уйи йўқлигини, вақти-вақти билан қизининг уйига меҳмон бўлиб келишини маълум қилди. Хуллас, бу оғзаки кўрсатмаларга асосланган маълумот бўлиб чиқапти. "Бошқа уйи бор", деган гап (яна қарши томоннинг гапи) судда ҳам инобатга олинган. Ҳўп, эр-хотин ажрашган экан, уларнинг умумий фарзандлари бор-ку. Бундай низоли вазиятда уларнинг ҳуқуқи ҳам афтидан инобатда олинмаган.

Г.Шарипова учун қўлфатлар шу билан тугамайди. 2021 йилда унинг собиқ турмуш ўртоғи оламдан ўтди. Кўп ўтмай, унинг бир қисмини сотиб олган фуқаро ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Г.Шариповани уйдан мажбурий тартибда чиқаришга эришади. Табиийки, янги харидорнинг 42 йил шу ерда яшаб келган аёлнинг тақдири билан иши йўқ?

Этиборимизни тортгани, мурожаатчининг яқин қўшнилари ҳатто у эри билан ажрашганлигини ҳам билишмас экан. Улар муаммони ҳал этиши лозим бўлган ташкилотларга берган тушунтириш хатида Г.Шарипова 1979 йилдан буён шу уйда яшаб, қайнонасига қараб келганини, уйдаги барча қурилиш, тазмирлаш ишларида бош-қош бўлганини, тўй-маъракаларда бирга бўлганликларини таъкидлаб, кўрсатма берган. Афсуски, уларнинг кўрсатмалари иш қўрилишида аҳамият касб этмаган.

Яна бир жиҳат, Кафтархона маҳалласи фаоллари томонидан Г.Шарипованин бу уйда турмаслиги ёхуд бошқа маълумотномаларда "бу уйда рўйхатда турмаслиги" айтилган дедик. Аммо унинг рўйхатдан чиқарилишига ҳам, уйсиз қолишига ҳам уларнинг ўзи сабаби эмасми? Маҳалланин биринчи раис Т.И. эса ўз ишини "Менин хатим Шариповани рўйхатдан чиқариш учун асос бўлишини билмаганман", мазмунда изоҳлаган, холос.

Бир неча йилларга қўзилган жоғронинг қисқача тафсилоти мана шу. Аммо биз айтмоқчи бўлган яна битта асосий масала бор: Уй сотилган. Ҳўп, энди нима қилиш керак? Масъул ташкилотлар қандай йўл билан адолатни қарор топтиради? Билишимизча, аини вақтда ўз уйдан ҳайдалган фуқаро Г.Шарипова ўша 42 йил умри ўтган ҳовлини қайта сотиб олиш учун хорижда ишлаб юрган эмаш.

Мазкур мақола фуқаронинг аризаси ва шу кўнгалча тўпланган ҳужжатлар асосида тайёрланди. Тегишли ташкилотлар ҳолатга ўз муносабатини билдириб, изоҳ берса, вазиятга яна ҳам аниқлик киритилади. Ҳар ҳолда, фуқаро соҳага алоқаси бўлган вилоят ва республика даражасидаги деярли барча ташкилотларга мурожаат қилган. Ҳозирча мурожаатлар "тегишлилиги бўйича у ёки бу ташкилотларга юборилди" бўлиб турибди.

Саволимиз шу: агар орамиздан киминингдир уйини маҳалладан бериладиган "бу ерда яшамайди, бошқа уйи бор", деб ёзилган маълумотнома билан сотиб юборишса, уйни қайтариб бўлганини ёки уйсиз қолиб кетиллаверадими? Бундай мурожаатларни ким ўрганади? Ким уйни қайтаради? Бир фуқаронинг тақдирини кўриб, ана шу саволлар бизни қийнамоқда. Хуллас, саволларга жавоб кутамиз.

Асқар БАРОТОВ,
"Зарафшон" муҳбири.

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш кафолатланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", деган норма мустақамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, давлат ёши, жинси, ирки, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқадан қатъи назар, фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди.

Аини кунларда мамлакатимизда муҳим Конституциявий ислохотлар жараёни кечмоқда. Яъни, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига киритилган. Бу ўзгаришларда фуқароларнинг тиббиётга оид масалалари ҳам этиборга олинган. Жумладан, Конституциянинг 40-моддасига қўйилганга ўзгартириш қўзда тутилган: "Ҳар ким соғлиғининг муҳофазаси қилиниши ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга."

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрданин қонунда белгиланган ҳамда тез ва шошилинч тиббий ёрданин ҳам ўз ичига оладиган кафолатланган ҳажмини бепул олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимларини ривожлантириш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш, тиббий сўғуртанин турли шакллари ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўради. Давлат барқарор ривожланиш принципи мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва химоя қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини химоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўради."

Фуқароларнинг соғлом бўлиши ва соғлом ривожланиши бевосита малакали тиббий хизмат ва маълум бир ҳудуддаги мавжуд экотизм билан узвий боғлиқ. Шу сабабли 40-модданин бундай тахрирда қайд этилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, тоза экологик муҳит фуқароларнинг соғлом эволюцион ривожланишини таъминлайди. Шу билан бирга, мазкур моддага қўйилган янги норма киритиш тақлиф қилинади: "Барча тиббиёт ходимларининг хавфсизлиги давлат томонидан таъминланиши кафолатланади". Чунки тиббиёт ходимлари ўзларининг касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида кўп ҳолатларда фуқароларимиз томонидан тазйиққа учрамоқда ва бундан барчаси хабардормиз.

Бундан ташқари, 40-модда 40-1-модда билан тўлдирилмоқда. Жумладан, унда "Ҳар ким соғлом ва қўлай атроф-муҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний ахборотга эга бўлиш ҳамда ўз соғлиғига ёки мол-мулкига экологик ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрни қоплашини ҳуқуқига эга". Конституциямиз "Инсон - жамият - давлат" қойдаси асосида тузилган, шунингдек, давлатимиз инсон қадрини улуғлаш ва халқпарвар давлат барпо этишни ўз олдинга мақсад қилган экан, унинг ўз фуқароларининг соғлиғини муҳофазаси қилиш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш борасидаги фаолиятини фаоллаштиришни даврнинги ўзи тақозо қилмоқда.

Ақмаклом ҲУЛОМОВ,
Самарқанд вилояти юридик техникуми доценти.

ГИЁХВАНДЛИК "ЁШАРМОҚДА"

Афсуски, кейинги йилларда наркотик ёки психотроп моддаларни истеъмол қилувчи шахсларнинг ўртача ёши йилдан-йилга ёшармоқда.



Ушбу заҳри қотилни қабул қилиш оқибатида ўсимлар ва болалар организмда бир қатор ўзгаришлар, яъни асаб-руҳий тизими фаолиятининг бузилиши, сезиш, эслаш, фикрлаш қобилиятининг пасайиши ва йўқотилиши кузатилади. Гиёхвандликка чалинган инсонларда ҳам руҳий, ҳам жисмоний қарамлик ривожланади. Уларнинг организмда жисмоний мойилликнинг кучайиши вужудга келиб, ўзини бошқара олмайди. Гиёхвандликка қарши курашиш юзасидан маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг барчаси инсониятни, хусусан, ёш авлодни бу хатарли балодан сақлаб қолиш ташвишида кенг қўллади ишларни амалга ошириб келмоқда. Гиёхвандликнинг кишилар соғлиғига, оилалар иқтисодига, одоб-ахлоққа, умуман, инсон ҳаётининг барча соҳаларига солаёт-

ган таҳдиди соат сайин ортиб бормоқда. Гиёхвандликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар ҳақида тўхталганда, куйидагиларга эътибор қилиш лозим. Гиёхванд моддаларга мойиллик, оиладаги муҳит, ота-онасининг қимлиги, ироданинг бўшлиғи, атрофдаги ўртоқлари сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун оилада, ёшларнинг тарбиясида ҳамма вақт уларни қаерда ва қиллар билан бирга бўлиши, нима иш билан машғул экани, қандай ўртоқлари борлигини назорат қилиш жуда муҳим. Ҳозирги вақтда заҳри қотилни истеъмол қилишда аёлларнинг ҳам иштирок этаётганлиги ачинарли ҳол. Айниқса, наркотик моддаларнинг бўлажак оналар организмга ва

ҳомилга зарарли таъсири шундаки, ҳомилга пайдо бўлган вақтдан бошлаб, 70 кунгача назорат ҳисобланади. Чунки бу вақтда унинг аъзолари ва тўқималари шакллана бошлади, ҳар қандай салбий таъсир тўғрисида маълумотларни бitta шприц орқали 5-6 нафар одамнинг томирига юборилиши оқибатида ОИТС касаллигига чалиниш эҳтимоли ортади. Гиёхвандликка ружу қўйганларни даволаш айрим ҳолларда биз кутган натижани бермайди. Шунинг учун бу жирканч иллатнинг олдини олишда тарғибот ишларини кучайтиришимиз зарур.

Г.РАВШАНОВ,
Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят минтақавий филиали нарколог шифокори, Д.ЭРГАШЕВА,
Пахтачи тумани тиббиёт бirlашмаси нарколог шифокори.

Амалдаги қонунчиликка қўра, никоҳни қайд этиш учун никоҳланувчи шахслар, яъни келин ва қув ёққДё бўлимига мурожаат қилгандан кейин уларнинг никоҳи бир ой муддат ўтгач, қонуний расмийлаштириб берилган. Алоҳида ҳолларда ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги, хизмат сафари каби узрли сабаблар бўлганда бир ойлик муддатда қисқартирилган ҳолда никоҳни қайд қилишга рухсат берилган.



Никоҳни қайд этишдаги бир ойлик муддат бекор қилиниши мумкин

Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди. Унда никоҳдан ўтиш учун ариза берилганидан сўнг 1 ой кутги тартибини бекор қилиш назарда тутилган. Амалиётда никоҳни қайд қилишнинг бир ойлик муддатини қисқартириш

учун сохта тиббий маълумотномалар тақдим этиш, ортиқча қоғозбозлик, бюрократия ва коррупциявий ҳолатлар кузатилаётгани эътиборга олинган. Қонун лойиҳаси қабул қилинса, никоҳланувчи шахслар томонидан мажбурий тиббий кўриқдан ўтгандан сўнг муддатни кутмасдан, никоҳни бирдан расмийлаштириш назарда тутилган. Қонун лойиҳасида фуқаро-

ларнинг овозгарчилигига чек қўйилиши, ФХДё ва соғлиқни сақлаш органларида қоғозбозлик, бюрократия ва коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш, оталикни белгилаш каби ортиқча қийинчиликларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ш.НУРУЛЛАЕВА,
Самарқанд шаҳридаги 2-ФХДё бўлими мудираси.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

T/p	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришни охириги муддати
1	Самарқанд ХУЖФҚ ("Самарқанд харбий савдо" ДУК савдо дўкони)*	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Самарқанд шаҳри Навоий кўчаси, 52-уй	0.0146	146.25	1 276 400 000.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
2	Омборхона биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Самарқанд шаҳри Чашмаи Хизр кўчаси, 137-уй	0.032964	329.64	396 850 000.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
3	Бўш турган дам олиш маскани бино ва иншоотлари	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Самарқанд тумани "Ўрта Оҳалик" МФЙ, Амир Темур кўчаси, 155-уй	2.14	649.1	1 202 925 700.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
4	Собиқ маъмурий бино	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Тойлоқ тумани Янги Тойлоқ қишлоғи, 34-уй	0.08	339.98	491 244 000.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
5	Ошхона биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Пайариқ тумани "Мустақиллик" МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси, 1-"А" уй	0.003538	35.38	55 139 000.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
6	Собиқ маъмурий ва хўжалик биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Пахтачи тумани "Хунарманд" МФЙ	0.023	101.16	76 000 000.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
7	Ёқилғи-мой маҳсулотларини сақлаш марказий база ҳудуди бир қисми	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Нарпай тумани "Муқимий" МФЙ, Муқимий кўчаси, 63/2-уй	46.9985	6922.05	31 158 500 000.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
8	Бўш турган почта алоқа бўлими биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Паст Дарғом тумани "Хончорбоғ" МФЙ Хондамир кўчаси, 284-уй	0.0088	87.87	67 644 300.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
9	Бўш турган почта алоқа бўлими биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Паст Дарғом тумани "Илм" МФЙ	0.00179	17.89	14 861 000.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли им-

зога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларга кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кўнра (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлиминда қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан бitta кадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклиф-

ни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белгиланган кадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топиллади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун

манзил: Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:
66-233-73-54, 91-537-32-12
Факс: 66-233-73-54

"Facebook"даги расмий саҳифа:
Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Пайариқ туманидаги "BUNYODKOR ASADBEK INVEST" маъсулияти чекланган жамияти (СТИП: 303590809) ўз устав фондини қамайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Пайариқ тумани Қумчуқ маҳалласи, Усмон Юсупов кўчаси, 19-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Суярлов Мухтарга (2012 йил 9 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Кинджаева Малохатга (1997 йил 11 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Ганиев Истам Рахимовичга (2018 йил 15 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Одилова Гулбустон Саимовнага (2021 йил 16 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Ризаева Саидага (1997 йил 4 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Бахриев Улуғбек Насриддинович нотариал идорасида марҳум Гулямова Сакинага (2005 йил 11 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахриев Улуғбек Насриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гарм кўчаси, 1-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Турсунов Баходирга (2021 йил 25 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Ўртакшиқ маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Ризаева Саидага (1997 йил 4 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

нотариал идорасида марҳум Артиков Рабим Хикматуллаевичга (2021 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Жуманов Зокир Бултоқовичга (2021 йил 20 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Жуманов Зокир Бултоқовичга (2021 йил 26 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Мамазияев Мамаюсуфа (2021 йил 26 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Ургут туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Раҳмонқуллова Феруза Абдуқодировна номига берилган О`R-SH № 0628798 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Давронов Бекзод Ғани ўғли номига берилган У № 4822574 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Олимов Элёр Ганиевич номига берилган У № 1108055 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Олимов Элёр Ганиевич номига берилган О`R-SH № 0352344 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой туманидаги 35-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Усмонов Бунёд Фурҳад ўғли номига берилган UM № 0499190 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация коллежидан 2009 йилда Холбоев Жамол Акмалович номига берилган рўйхат рақами 15948, К № 1302734 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги «QORATUXUM MIRAJOAL SAXOVATI» фермер хўжалигининг (СТИП: 302797731) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Самарқанд академик лицейидан 2019 йилда Бердиқулов Жонбек Рўзибой ўғли номига берилган рўйхат рақами 144/1, L № 024591 рақамли имтиёзли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети жамоаси университетнинг ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи Шахриддин Мурановга онаси **Нўрқа яб МУРАНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.


Китобингизни ўқидим

“Тоҳир ва Зухра” дostonи халқимиз бадиий ижодининг нодир дурдоналаридан биридир. Соф муҳаббат, вафодорлик, садоқат ва эзгуликни тараннум этувчи ушбу дoston ёш авлод маънавий ка- молотида муҳим ўрин тутати. “Тоҳир ва Зухра” дostonи воқеалари IV аср охири ва V асрнинг бошларида Самарқанд худудида содир бўлган. Дoston туркий халқлар орасида эртақ, дoston ва қисса тарзида кенг тарқалган.

“ТОҲИР ва ЗУХРА”

дostonи ҳақиқий ишқ қиссасидир

Халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган дostonнинг бугун ҳам ёзилаётгани қувонарли ҳол. Фарғоналик Муқаддасбону Аҳмаджонованинг “Тоҳир ва Зухра” дostonи бугунги кун фольклор-шунослигининг нодир дурдонасидир.



Дoston шеърӣ мисралардан таркиб топган бўлиб, қофия ва вазндан моҳирона фойдаланилган. Унинг олдингиларидан фарқи жиҳати шундаки, дostonдаги бадиий тўқималар, воқеалар замонамиз руҳидан узоклашиб кетмаган.

Дostonда ҳар бир мисра чиройли далилланган. Киши ўқиган сари ичига кириб бораверади. Айниқса, асарда алланинг айтилиши жуда чиройли тасвирланган:

Кўрдим бир жуфт тўтини-ё, алла, Бир-бирига ярашибди-ё, алла-ё. Шундай ширин болаларни, алла, Тоҳир-Зухра аташибди, алла-ё.

Муаллиф дostonни ёзар экан, унинг ичида қахрамонлар билан бирга яшаган. Йиғлаганда йиғлаб, кулганда кулган. Тоҳир ва Зухра-нинг муҳаббати учун курашиши, қийинчиликларга қарамасдан ҳаракат қилиши маҳорат билан тасвирланган.

Дostonда айрим мисралар ғазал жанрида бўлиб, арузнинг рамаб баҳрида ёзилган. Айниқса, икки ошқнинг мушоираси жуда ўринли қўлланилган ва бадиий жиҳатдан мукамал деб айта оламиз.

Ошқлар бир-бирин кўлин ушлашиб, Мушоира бошлар кўнгил хушлашиб.

Икки дил бир-биридан ғазал эшитмокни истаб, ёқимли овозлари билан шеърга сайқал беради.

Зухра: Юрагимга ногаҳон чўғ солдинг, жонон йигит, Ишқингда ўртанди жон, кўзлари чўлпон йигит.

Тоҳир: Юрурман бир девонадек, мени афсун қилдингми, ё? Ўз-ўзимга бегонадек, мисли Маҳнун қилдингми, ё? Тоҳир ва Зухранинг ўлими кишини чуқур қайғуга солади. Ошқлар Оқдарё соҳилига ёнма-ён дафн этилади.

Тарихий манбаларга кўра, IV асрнинг охири ва V асрнинг бошларида содир бўлган воқеаларни ўз ичига олган халқ оғзаки ижодининг бу нодир намунаси XVII-XVIII асрларда Муҳаммад Сайёдий томонидан ёзиб олинади. Кейинги даврларда туркман шоири Мулланафас томонидан қайта нашрга тайёрланади. Шоир ёзган асардаги воқеалар бизнинг айрим вариантларга ҳам таъсир қилган.

1938 йилда Собир Абдулла “Тоҳир ва Зухра” мусиқали драматси ёзади, 1945 йилда эса “Ўзбекфильм” студияси томонидан шу номда фильм суратга олинади.

Дostonни ўқир экансиз, беихтиёр кўзингизга ёш келади. Қахрамонларнинг ўрнида ўзингизни тасаввур қиласиз. “Тоҳир ва Зухра” дostonидаги воқеалар, ундаги анъанавий образлар тасвири муаллифнинг фольклор ва адабиётдан яхши хабардорлиги ва узок изланишлар натижаси эканидан дарак беради.

Муқаддасбону Аҳмаджонованинг “Тоҳир ва Зухра” дostonи фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсири асосида юзага келган гўзал манзумдир.

Диляфрўз ЖУМАҒУЛОВА.

Меҳнат, ижод завқимни оширади

Кўшработ туманининг қирлар орасида жойлашган Қорақисмоқ қишлоғида туғилган-ман. Болалигимдан оғир синовларни бошимдан ўтказдим. Дадам оламдан ўтиб, рўзғор ташвиши ёлғиз онамнинг зиммасига тушиб қолди. Мактабни битириб, қишлоғимизга яқин Кўшработ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида ўқидим. Олий ўқув юртида ўқийдиган тенгдошларимга ҳавас қилардим. Ўқш орзуим бор эди. Лекин шаҳарга кетсам, онам ва укаларим қийналиб қолиши тайин. Аламинни қаламдан ва меҳнатдан олардим.

Кетмон чолиб, томорқада деҳқончилик қилиш оиламга моддий кўмак бўлса, меҳнатдан бўш вақтда китоб ўқиш, қалам тебратиш менга маънавий озиқ ва завқ бағишларди.

Уша пайтлар қишлоқдош дўстим Суннатилла Ширинбоев Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти талабаси эди. Дам олиш кунлари уйига келса, икки дўст дардлашардик. У талабаликнинг қувончи ташвишлари ҳақида гапирардик, мен эса ижод завқи ҳақида сўзлардим. Суннатилла ҳам китоб мутлоасига, адабиётга қизиқарди. Шунинг учун ҳар бир янги ёзган шеъримнинг биринчи ўқувчиси эди. “Янгисидан бўлсин”, дерди қуришганимизда шеърларимни ўзимга ўқитишни хуш кўрадим дўстим. Ҳеч қачон “йўқ”, демасдим. “Сен ўқишинг керак”, дерди у. “Талаба бўлиш пешонамга ёзилмаган”, дердим ўзим институтга киришни чин дилдан истаб турган бўлсам ҳам.

У бир кунни эрта тонгда шаҳарга кетаётди, мен билан хайрлашар чоғида “Сен ҳали катта шоир бўласан, мен бунга ишонаман”, деб бағрига босди ва уни бекатгача кузатиб кўйдим.

Шу кун тушдан кейин менга кўнғироқ қилиб, хурсанд кайфиятда автобусда бир журналист билан танишиб қолганини, мен ҳақимда унга гапириб берганини айтди. У киши Суннатилланинг қўл телефонида телеграм орқали юборилган янги шеъримдан тўрт қаторини ўқиб кўриб, эртагаёқ туманининг “Истиқбол сари” тахририятига бориб, муҳаррирга мени фалончи ака юборди, деб айтишимни тайинлабди.

Эртаси кунни шеърим газетанда чиқишига умид қилиб, тахририятга бордим. Муҳаррир Ҳусниддин Мармасулов салом-алиқдан сўнг ҳали ўзимни таништирмадимданок, “Исломо шоир сизмисиз? Дилноза опангиз билан бир тадбирга бориб келасиз, хабарингиз ўзингиз ёзасиз!”, дея топшириқ берди. Аввалига чўчидим, газета муҳбири Дилноза Ҳасанова билан тадбирга бордик. У киши хабар ёзишда нималарга эътибор қаратиш кераклигини тушунтирди. Амалладим. Хуллас, устозларнинг кўмаги

билан исм-фамилиям илк бор газета саҳифасидан жой олди. Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Мендан ҳам кўпроқ онамнинг қувонганини сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Бир ой синов муддатидан кейин ишга ҳам қабул қилиндим. Турли мавзуларда таҳлилий-танқидий мақолалар ёзишни ўргана бошладим. Кўпроқ маданий тадбирлар, халқ оғзаки ижоди, фольклор жамоалари, Қўрғон дostonчилик мактаби тарихи, бугунги ва эртаси ҳақида мақолалар ёздим. Бу ижодий ишларим туман ҳокими ўринбосари Холбек Қўбаевнинг эътиборини торттиди. У бир кунни мени қабулгача чақириб, Президентимиз ташаббуси билан чекка қишлоқларда маданият соҳасини ривожлантириш максатида кадрлар тайёрлаш зарурлиги, мен каби ёшлар имтиёз асосида институтга кириш, сиртки бўлимда ўқиш, ишимизни ҳам давом эттиравериш имконияти яратилганини айтди...

Институтга ўқишга кириш орзуим амалга ошди. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг халқ ижодиёти йўна-



лиши бўйича 2-босқич талабасиман. Менга билдирилган ишонччи оқлаш учун сидқидилдан ҳаракат қиляман. Китоб ўқиш ва шеър ёзишни ҳам қанда қилганим йўқ.

Яқинда ёшлар ойлғи муносабати билан “Беш босқичли беш ташаббус” олимпиадаси доирасида ўтказилган “Мушоира” танловининг республика босқичига чикиб, 26-30 ёшли иштирокчилар орасидан биринчи ўринни эгалладим.

Ҳозир маҳалламизда ёшлар етакчиси бўлиб йишлаётган Суннатилла дўстим мени табриқлаб, шундай деди: “Жўра, ҳар сафар қуришганимизда сенинг биргина яхшилигинг туйғайли шунча ютуқларни қўлга киритяпман, бир умр қарздорман, дер эдинг. Бугун қарзингни уздинг. Қайсидир маҳалла ёшлари орасидан республика танлови голиби бўлиш, энг катта ютуқ. Табриқлайман! Сенинг ютугинг - менинг ҳам муваффақиятим!”

Ислом БОБОҚУЛОВ, “Истиқбол сари” газетаси муҳбири.

“Зарафшон” газетаси кутубхонасидан

Шавкат бахшини танимайдиган нурубодлик бўлма-са керак. Чечан шоир “Кел, дўмбирам, юртим мадҳин куйлайлик”, “Онажонгинам”, “Яна баҳор келади” сингари шеърӣ тўпламлари ҳамда “Соҳибқирон Темурбек” дostonи билан юртимизда танилмоқда. Яқинда унинг атоқли дostonчи Фозир Йўлдош ўғли ҳаётига бағишланган дostonи нашрдан чиқди.

Дostonчи ҳақида дoston



Булунғур дostonчилик мактабининг ийрик вакили, устоз бахши Фозил Йўлдош етмишдан ортиқ дostonни ёд билган. Ундан ёзиб олинган дostonларни бугун бахшилар севиб ижро этишади. Эътиборлиси, ота-онасидан эрта етим қолиб, чўпчилик қилиб, кун кўрган Фозил бахшининг машаққатли ҳаёт йўли ҳам бир дostonга юк бўладиган ибратли воқеаларга тўла.

“Отасиз, энасиз қолган, ўзи-дан катта таёқни қўлига олган, чаноғига нон билан сувини солган Фозилжоннинг бой кампирнинг қўйини ҳайдаб...”, қир-адирга кетаётган жойи: Фозил чиқди бой қўйини боққани, Тиришади бой момага ёққани. Эрта кетиб, кеч келади яйловдан, Момо мақтар: Бу чўпчининг чаққони”.

Шавкат Бобомуроднинг китобида устоз бахшининг ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар “Катта давра”, “Қамоқ”, “Ота юрти – Булунғурга қайтиш”, “Чигиртка” каби қисмларга бўлинган ҳолда берилади. Ҳар бир бўлим – бир давр, муҳим дарс. Ундан хулоса қилиш китобхонга ҳавола.

Йўлдаги суҳбат

Бунинг устига, маҳаллада фарзандларидан кечиб кетди, деган гап тарқалишидан уялдим. Шунинг учун кеч бўлганда уйга жўнадим. Дарвозага яқинлашганимда уйимиздан қўшим чиқиб келаётган экан, у менга рўпара бўлган, “Бир гапим бор”, дегандай четга тортди.

“Ўғлингиз ва келиннгиз билан келишмай қолдингизми? Сиз ҳақингизда хунук гаплар айтди. У ёққа кетганингиздан хурсанд улар...”

Кўшнимнинг бошқа гапи қулоғимга кирмади, дарвоза хатлаб уйга кирдим. Афсуски, қўшим ҳақ экан: ўғлим ва келиннинг мусиқани баланд қўйиб, ўйин-кулги қилиб ўтирган экан... Остонадан қайтдим.

Оғир жимлик чўқди. Сўнг ийманиб отахондан сўрадим: - Ҳозир қаерда яшасиз, ота? - Яқин бир дўстимникида турибман. Маҳалладагиларнинг оиламда бўлган ишлардан хабари бор. Шу қишлоқнинг энг ёши катта нурунийларидан бирисиз, бизга дуоларингиз, маслаҳатларингиз керак, деб қишлоғимиз марказидан менга уй қуриб беришайти. Ҳадемай уй битида, яқинда кўчиб ўтаман...

Манзилга етиб келдим. Машинадан тушар эканман, хаёлим ҳамон отахонда эди. Ҳайдовчи отахонни манзилгача олиб борадим, ўз уйига киролмаган одам ярим тунда бировни қандай безовта қилади? Кеч бўлганда қаерда тунайдим? Кейинги ҳаёти қандай кечади? Ноқобил фарзандларининг-чи?..

Фозилдин РЎЗИБОВЕВ.

Қоғоз бағри титрар қаламни кўрса

(Тўртликлар)

Ҳаёт сафар - йўлда катталар билан, Улар тушиб қолгай мен шунга ҳайрон. Ушбу поезд йўли тўла саргузашт, Тушиш, миниш... қарвон кетади қаён.

Халқим, вужудингда мен бир киприкман, Улар тарихинг-ла зўрман, йирикман, Ундим асрийлик уйқудан уйғон, Фақат сен борсанки, мен ҳам тирикман.

Қонун амал жойда қарор адолат, Боболардан қолган бир яхши одат. Қонунни топлаган ҳар бир шахс жоҳил, Жоҳилнинг амали доим касофат.

Шафқатсиз дунёдан истаб ширин сўз, Ҳар одам қалбига тикавердим кўз. Жоҳиллар қулдилар, доно эди жим, Шунда излаб кетдим икки парча бўз.

Жон ҳам меникидир, қон ҳам меники, Кечаси, эртаси йўқ бу дунёнинг. Бугун яшамоқда алмашдим, дўстим, Қаранг, бу гуллаган жаҳон меники.

Ҳеч кимга сиғинма, улар бандадир. Ҳарорат ва лаззат фақат тандадир. Ҳарорат ва лаззат билмас бу тўпроқ, Дунёнинг сирлари фақат жондадир.

Ўзбекнинг кўп яхши одатлари бор, Сўрасанг, йўқ демас ўта кўнгли “тор”. Э, бор ҳақиқатни айтган яхши-ку, Кўнгли овламоққа гап қатор-қатор.

Қалқ, эй турк, коинот садоси келди, Бу ҳам бир тарихдан берилган улғу. Унутма тарихда энг буюк номинг, Тангри яратгандан туркий аталди.

Неки қонун бўлса, бажардим барин, Тўйғаз олмадим очлиқдан қорин. Оқибат айтолмай, қўғирчоқ бўлдим, Сиёсат аталмиш золимга зорим.

Энг тили аччиқ бу - асли жамият, Вужудинг виждонга бўларди уят, Ёлғиз бу дунёда яшаб бўлмас, Ахир сен инсонсан бордир ҳамият.

Қоғоз бағри титрар қаламни кўрса, Шаҳарда кўринмас қирмизи шафқат. Қийикқош сотмайди пулга ҳеч бўса, Гўзаллик ҳеч кимни қолдирмас бефарқ.

Ўтган дам доғида кўзни ёшлама, Уяр ўтди деб ҳам ғамни бошлама. Бугун деб яшагин ҳаёт мазмуни, Жаннат дўзах деб кўнглинг ғашлама.



Эртақ айтманг болаларга, ёлғон айтиб алдаманг, Бугун билим толаларда, замондан ортада қолманг.

Ҳиссиз вужуд интернетда, меҳр ёки қадр йўқ, Эртақ ёлғон, билим онгда, Ўздан мосуво бўлманг.

Ҳаётда байрамлар кўп бўлар балким, Озод яшаш учун курашди халқим. Юз йиллаб тобелик орқада қолди, Барчамизга озодлик ёр бўлсин муқом.

Қиёмда қайнаган қалб қиёмин қилмади қойил, Қалам-ла қалб қалъасин қуладинг қўлдайин қотил, Қўй қийнама қалбига қийиқ қошинг қадалсин қиз, Қатрада қалбинг кўрини қурбона қила қолгил.

Инсон умрин билмам не билан афзал, Қўй, эрта келган йўқ, бугун кун гўзал, Дунёга келишу яшаш ўзи бахт, Яшашнинг маъноси яшар шў азал.

Ожизлик гуноҳмас, Тангридан раво, Тангрига таъналар айта олмасан. Тиз чўқтирма, нидо қилдирма Худо, Ундим эркингни кўргум ўлмасан.

Турким! Сенинг тарихинг қадим, Вақт қаъридан келар садақлар, Манқурлаша, билмайди қадринг, Ватандаги ватангадолар.

Фарзандлар ширини менга набирам, Ундан қарзим ҳам йўқ, отаси ҳамдам. Ҳаётда бу жуда кичик фалсафа, Аслида набира боқийга қадам.

Дунёда кўп гапга теша тегмаган, Мардлар бор ҳеч вақти бошин эгмаган. Бешлиқнинг ёмони собиқ қул ҳамон, Умида у нонни тўйиб емаган.

Қаён борсам, борар соям ўзим билан, Дунё аён ўзим ақлим кўзим билан. Бу имкандон фойдаланмас кўп жоҳиллар, Ёрдан бекорқ бўлдим камтар сўзим билан.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ, психология фанлари номзоди.

Фарзанд отасини “Қариялар уйи”га жойлаштирганини нишонлади

Инсон кексайганимда, кўзимдан нур кетганида суянчиқ бўлади, эл-юрт олдида юзимни ёруғ қилади, бетоб бўлганимда бир пиёла сув тутиб, кучсиз танамга мадор бўлади, деб фарзанд улғайтирса-ю, ёши ўтиб, хасталанганида болаларидан эмас, бегоналардан мурувват кўрса, ундан ёмони бўлмас экан.

Яқинда шундай ҳолатга дуч келдим. Ишдан кечроқ чиққандим, Уругта қатнайдиған таксилар кетиб бўлибди. Катта йўлгача амаллаб чиқдим ва дуч келган машинага қўл кўтардим.

Қашқадарёнинг машинаси тўхтади. Ҳайдовчининг ён ўриндиғида ҳамаси 80 ёшлардаги отахон бор экан. Салом-алиқдан сўнг йўлга чиқдик. Озроқ юрган, отахон ҳайдовчидан илтимос қилди: - Болам, бирор жойга тўхтасанг, нон олсак.

- Ота, ҳали Шаҳрисабзгача анча бор, соат ўн бир бўляпти, дўконлар очикми-йўқми, ўзимиздан олсангиз бўлмайдики? - Эрталабдан буён туз тотмадим.

Дастлаб суҳбатга эътибор бермаган бўлсам, отахоннинг бу гапидан кейин ҳолатга қизикдим. Ҳайдовчи бир дўкон ёнига тўхтади ва “Мен ҳам ул-бул оламан, сизга фақат нон олайми, бошқа нарса керак эмасми?”, сўради отахондан.

- Ноннинг ўзи бўлади, - дея пул узатди отахон. Ҳайдовчи келгунча отахон билан суҳбатлашдик. - Ота, қаердан келясиз кеч бўлганда? - дея сўрадим.

Бобо ҳам дардини кимга айтишни билмай турган эканини, борини тўкиб солди.

- Анчадан буён даволанмагандим, оёғим оғриб қолди. Самарқандда таниш дўхтирим бор, шунга боргандим.

- Нега бир ўзингиз келдингиз, болаларингиз билан бирга келсангиз бўлмасиди? - Икки ўғлим бор. Каттаси Тошкентда ишлайди, кичиги уйда, бирга тураимиз. Кенжам бироз эрқароқ ўсган. Онаси ўтганда ёш бола эди. Кўнглига қараб, айтганини олиб бердим, ҳеч нимага зориктирмадим. Лекин бирор ишинг бошини тутмади. Балки оилали бўлса, ҳамма нарсангиз қадрига етар, деб яқинда уйлантирдим. Аммо фойдаси бўлмади. Уйда тинчлик йўқ, ҳар кунни жанжал.

- Нега, отахон? - Э, ўғлим, Аллоҳ ҳеч бир инсонни қўл-оёқдан қолдирмасин экан. Бемор бўлиб, анча пайт тўшақда қолдим. Бу эса келиннинг билан ўғлимга малол келган шекилли, менга билдирмай “Мурувват уйи”дан жой тайёрлаб қўйишибди.

- Индамай чиқиб кетавердингизми уйдан? - Боламнинг оиласи бузилмасин, деб бунга рози бўлдим. Узи уст-бошим кир бўлишини айтмас, уларга оғирлигим тушмайди. Пенсиям ўзимга етади. Бугун ҳам пенсиямни олиб, дўхтирга келдим.

- Катта ўғлингизникига борсангиз бўлади-ку. - У ҳам жўжабирдай жон, Тошкентда ижарада яшайди... - “Мурувват уйи”да қанча пайтдан буён турибсиз? - Тўғриси, у ерда шароитлар яхши экан.

Мени илиқ қутиб олишди. Аммо кўп турулмадим. Уйимни, болаларимни, невараларимни соғиндим.

Advertisement for Zarafshon newspaper, including logo and contact information.

Advertisement for MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi, including contact details and address.

Advertisement for Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi, including contact information.

Advertisement for Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV, S.MARDIYEV, B.ABDULLAYEV, including ISSN and QR code.